

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАБИБОВА НАЗИРА НАСУЛЛОЕВНА

**СУРУНКАЛИ ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗЛИ СТОМАТИТДА
ПАТОГЕНЕТИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Хабибова Назира Насуллоевна

Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитда патогенетик
даволаш усулини ишлаб чиқиш..... 3

Хабибова Назира Насуллоевна

Разработка патогенетической терапии при
рецидивирующем афтозном стоматите..... 29

Khabibova Nazira Nasulloevna

Development of pathogenetic therapy for recurrent
aphthous stomatitis..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАБИБОВА НАЗИРА НАСУЛЛОЕВНА

**СУРУНКАЛИ ҚАЙТАЛАНУВЧИ АФТОЗЛИ СТОМАТИТДА
ПАТОГЕНЕТИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib255 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хабиров Нигмон Лукмонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Серпил Караогланоглу
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Туркия)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабирова Рихси Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Пирогов номидаги ФГБОУ ВО РНИМУ (Россия)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc 28.12.2017.Tib.59.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел/факс: +998 (71)-230-20-65, e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан (DSc) Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. (Тел/факс: (+99871)-230-20-65).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э. Хасанова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

О.Е. Бекжанова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертасияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замоनावий ижтимоий ва тиббий тадқиқотлар гувоҳлик беришича, инсон саломатлигида сўнгги ўн йилликда салбий тенденциялар сақланиб қолмоқда. Қайталанувчи афтоз стоматитнинг (ҚАС) кенг миқёсда тарқалганлиги, бу касалликнинг учраш даражаси эса 35,5% дан 60% гача ташкил қилади¹. Мамлакатимизда ва хорижда кўплаб тадқиқотлар олиб борилаётганига қарамай, ҚАС этиологияси ва патогенези охиригача аниқланмай қолмоқда. Ҳозирги вақтда «... аҳоли орасида қайталанувчи афтоз стоматитнинг тарқалишини 20% дан 60% гача сезиларли даражада ошиши...»² амалий стоматологиянинг жиддий муаммоси ҳисобланади. Сўнгги 15 йил ичида «...дунё олимлари томонидан ҚАС этиопатогенези, унинг тарқалганлиги, интенсив кечишини ўрганиш бўйича кўп тадқиқотлар олиб борилган ва ушбу касалликни даволаш бўйича турли усуллар таклиф этилган...»³. Бироқ, ушбу касалликнинг ривожланишига қайси омиллар таъсир кўрсатиши ва ҚАС патогенезида қайси омил асосий ўринни эгаллаши тўла аниқланмаган. Шунинг учун ҚАС этиопатогенезига бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, ушбу патологияни ўрганишнинг кўшимча усули ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларини талқин қилишда муайян зиддиятлар мавжудлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳонда қайталанувчи афтозли стоматитни даволаш усулини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан, қайталанувчи афтоз стоматитни шаклланиши ва тизимли яллиғланиш механизмларига асосланган янги патологик механизмларни асослаш, шунингдек, клиник кечишини аниқлашда стоматологик ва соматик патологияларни баҳолаш орқали ҚАСни прогнозлаш. Ушбу касаллик ривожланиш динамикасида унинг даражаси, протеолиз жараёни фаоллигини баҳолаш, адгезия молекулалари концентрацияси, липопероксикация, цитокинлар баланси, оғиз суюқлиги ва қон зардобида аллергия юктамаларни баҳолаш ҳамда ҚАСнинг иммунологик, биокимёвий ва аллергия механизмларини ҳисобга олган ҳолда патогенетик комплекс даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли омиллар таъсирида юзага келадиган самарали ташхислаш орқали уларнинг тарқалишини камайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек,

¹ ЖССТ маълумоти, 2014 йил

² Анисимова И.В., Нагаева М.О. Анализ структуры заболеваний слизистой оболочки рта и красной каймы губ по обращениям пациентов в ГКСП №1 г. Омска // Материалы симпозиума «Инновационные технологии в стоматологии». - Омск, 2017. - С.51-54.

³ Борисова Э.Г., Никитина Е.А. Методика диагностики и лечения хронического рецидивирующего афтозного стоматита с использованием низкоинтенсивного светодиодного излучения // Вестник «Биомедицина и социология». - 2018. -Том 3 [4]. - С.29-32.

тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар сурункали ҚАС да патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқишни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари ва унинг хуружини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Сурункали ҚАС да патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California University Miami National Institutes of Health, University of Illinois, National Institute of Allergy and Infectious Disease, Bethesda, Maryland (АҚШ), University of Naples (Италия), Hokkaido University (Япония), University of Sichuan, Peking University (Хитой), University Caxias Do Sul, University of Sao Paulo (Бразилия), University of Helsinki (Финляндия), University of Western Australia (Австралия), National University Seoul (Жанубий Корея), Yokohama City University (Япония); Imam Abdulrahman Bin Faisal University, Dammam, Kingdom of Saudi Arabia (Саудия Арабистони) ва Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Сурункали ҚАС да патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.universityofcalifornia.edu, www.miami.edu, www.uillinois.edu, www.niaid.nih.gov, www.buc.edu, www.umd.edu, www.unina.it, www.hokudai.ac.jp, www.scu.edu.cn, www.pku.edu.cn, www.ucs.br, www.usp.br, www.helsinki.fi, www.uwa.edu.au, www.snu.ac.kr, www.yokohama-cu.ac.jp, www.iau.edu.sa, www.ksu.edu.sa, www.tsdi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

оширилмоқда, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ҚАС ривожланишида ошқозон ичак тизими ва унинг яра касалликлари, овқат маҳсулотлари таркиби, иммунитет пасайиши ва *Helicobacter pylori* муҳим омил эканлиги исботланган (Universidade Federal de Minas Gerais); ҚАС ривожланишида организмдаги Д витамини, фолий кислотаси ва витаминларнинг етишмаслиги натижасида касалликнинг кескин ошиши исботланган (University of Sharjah, Бирлашган Араб Амирлиги); Бехчет синдроми ва ичак ДНК-вирусининг ҚАС ривожланишидаги тутган ўрни ҳам исботланган (University Hospital of Copenhagen, Дания); лейкоцитлар антигенларининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати (ОБШҚ) касалликлари ривожланишидаги полиморфизми исботланган (University Caxias Do Sul, Бразилия); замбуруғли касалликларнинг ривожланишида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати IL-17A, IL-17F ва IL-17AF цитокинларининг ўрни ва аҳамияти исботланган (National Institute of Allergy and Infectious Disease, University Bethesda, Maryland, АҚШ); оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг турли яллиғланиш касалликлари ва ҚАС ни даволашда EUG-NE-Gel самарадорлиги асосланган (University of Illinois АҚШ, Imam Abdulrahman Bin Faisal University, Dammam, Kingdom of Saudi Arabia, Саудия Арабистони); ОБШҚдаги микроскопик текширишлар асосида эпителиал хужайралар пролиферацияси ва P53 нинг ижобий реакцияси исботланган (Aichi-Gakuin University, Япония); ОБШҚнинг зарарланишини, ҚАС ривожланиши, ташхислаш ва даволаш самарадорлигининг пасайиши оғиз бўшлиғи тизимли касалликлари ривожланишига олиб келиши исботланган (Peking University, Хитой); турли полиэтиологик касалликларни даволаш тизимининг пасайиши, турли даражадаги ошқозон ичак тизими касалликлари, чекиш, овқатланиш тартибининг бузилиши ҚАС касаллигининг ривожланишга мойиллигининг ошиши даражаси исботланган (University of Seoul, Жанубий Корея); иммунофлюоресценция усули билан ОБШҚ дори воситаларисиз даволаш усуллари оптималлаштирилган (University of Hokkaido, Япония); сурункали ҚАСда патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқиш такомиллаштирилган (Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон).

Дунёда сурункали ҚАСда патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқишни такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалликнинг шаклланиш механизмлари, тизимли яллиғланиш яшовчанлиги асосида ҚАС ривожланишининг янги патологик механизмларини аниқлаш; оғиз бўшлиғини химоя қилишнинг ўзига хос бўлмаган омиллари, клиник кечиши даражаси шаклланишида соматик патологияда ҚАС прогнозини белгилаш; ҚАС ривожланиш динамикасида протеолиз жараёни фаоллигини асослаш; адгезия молекулаларининг концентрацияси, липопероксикация, цитокинлар баланси, оғиз суяқлиги ва кон зардобда аллергик ҳолатни аниқлашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликда ҚАСни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш муаммоси хорижий ва маҳаллий олимларнинг диққат марказида турибди (Беличенко Ю.Н., 2004; Аكوпова Л.В., 2015; Борисова Е.Г., 2018; Зайнелова А.А., 2018). Касаллик даражаси

ошиши биринчи навбатда атроф-муҳит омилларнинг салбий таъсири ва бактериал инфекцияларга қарши дори воситалари белгиланган муддат ортиқча қабул қилиниши ҳисобига амалга оширилиши сабаб бўлмоқда (Булкина Н.В., 2012; Вахрушина Е.В., 2012; Андрианова И.И., 2016; Васенёв Е.Е., 2016; Анисимова И.В., 2017). Ҳозирги вақтда касаллик патогенези, этиологияси, ҚАС га чалинган беморларни ташхислаш ва даволашнинг ўзига хос усулини ўрганишга бағишланган кенг кўламли маълумотлар тўпланган. Уларда замонавий таснифлар ва касалликнинг турли клиник шакллари тасвирланган, ёндош патологиялар ривожланишининг янги механизмлари асосланган, локал ва тизимли даражада организм иммун ўзгаришининг роли исботланган, маҳаллий эрозия-яра пайдо бўлишининг оғир даражаси ҳамда иммунологик бузилишда оғиз бўшлиғи ва ичаклар дисбиотик ўзгаришининг патогенетик роли асосланган (Спицина В.И., 2006; Старикова И.В. ва ҳаммуал., 2017; Волосовець Т.М. ва ҳаммуал., 2018). ҚАС клиник кечиши даражасининг тизимли патология ривожланиши, локал ва тизимли сохта аллергик босқич, иммунологик, липопероксикацион жараёнлар, адгезия молекулалари миқдори ва протеолиз фаоллиги билан боғлиқлигини ўрганиш нафақат уларнинг патология шаклланишидаги ролини баҳолаш, балки шифокорларнинг даволашни тайинлашда патология ривожланишидаги тизимли жараёнлар роли ва уларнинг баҳоси муҳимлигига эътиборини қаратишга имкон беради (Алиев З.У., 2017; Torgerson R.R. et al., 2017).

Ўзбекистонда тери кандидозини ташхислаш, даволаш ва реабилитацияни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Сурункали гепатит В касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи аъзолари касалликлари истиқболини белгилаш, профилактика ва даволаш тизими такомиллаштирилган (Даминова Ш.Б., 2018). Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темирлаткини клиник ҳамда патогенетик даволаш тизими механизми ишлаб чиқилган (Шукурова У.А., 2018) ОБШҚ кандидози этиопатогенетик давоси такомиллаштирилган (Юсупалиходжаева С.Х., 2019), бироқ, сурункали ҚАСда патогенетик даволаш усули ишлаб чиқилмаган.

ҚАС ривожланишида кузатиладиган локал ва тизимли иммун-метаболик ҳамда трофик жараёнлар ўзгаришини аниқлаш касаллик патогенезини муҳим локал ва тизимли механизмларини тузатишга асосланган комплекс терапиянинг янги усуллари ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 02.2018 DSc.019 «Стоматологик ва жарроҳлик муолажаларига ноинвазив усулларни татбиқ этиш» (2017-2021 йй) мавзуси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: тизимли яллиғланишнинг шаклланиши ва турғунлиги механизмларини коррекциялаш йўли орқали қайталанувчи афтоз стоматитни даволашнинг самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли яллиғланишнинг шаклланиш механизмлари ва турғунлигини баҳолаш асосида қайталанувчи афтоз стоматит ривожланишининг янги патологик механизмларини баҳолаш;

оғиз бўшлиғини ҳимоя қилишнинг ўзига хос бўлмаган омиллари, клиник кечиши даражаси шаклланишида стоматологик ва соматик патологияни баҳолаш ва қайталанувчи афтоз стоматит истиқболни белгилаш;

қайталанувчи афтоз стоматит ривожланиш динамикасида касаллик даражаси, протеолиз жараёни фаоллигини баҳолаш, адгезия молекулалари концентрацияси, липопероксикация, цитокинлар баланси, оғиз суюқлиги ва қон зардобида аллергия ҳолатларни баҳолаш;

қайталанувчи афтоз стоматитнинг иммунологик, биокимёвий ва аллергия механизмларини ҳисобга олган ҳолда патогенетик комплекс даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

таклиф этилган даволаш усули самарадорлигига яқин ва олис муддатли натижаларни ҳисобга олган ҳолда клиник баҳо бериш;

қайталанувчи афтоз стоматит ривожланишининг иммунологик, биохимик ва аллергиялогик патогенетик механизмларини бартараф этишда янги даволаш усулининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2014-2018 йиллар давомида 18-59 ёшли Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилоят стоматология поликлиникасида даволанган ва назорат остига олинган 212 нафар қайталанувчи афтоз стоматит билан касалланган ва 40 нафар соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. ҚАСни ташхислаш мақсадида ва сўлак таркибидаги иммуноглобулинлар sIgA, IgA, IgG, IgM ҳамда цитокинлар миқдорини баҳолаш учун беморлар сўлаги ва қон зардоби материал сифатида олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайталанувчи афтоз стоматит билан оғриган беморларда касаллик кечиши даражаси нафақат локал ва тизимли иммун-метаболик ўзгаришларни, балки сохта аллергия реакцияларни ҳам келтириб чиқарадиган коморбид патология тарқалиши билан боғлиқлиги исботланган;

қайталанувчи афтоз стоматит патогенезининг янги концепциясини шакллантириш, касаллик даражаси шаклланишида иммунологик ўзгаришлар, протеолиз ошиши, яллиғланиш олди цитокинемияси, ЛПО маҳсулотларининг ортиши билан бир қаторда адгезия молекулалари ва сохта аллергия ҳолатларнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги асосланган;

касаллик кечиши даражасидан келиб чиқиб асосий терапевтик даволаш тизими билан бирга турли фармакологик йўналишлардаги антигистамин дори-воситаларидан танлаб фойдаланишнинг янги даволаш усули ишлаб чиқилган;

касаллик кечишининг оғирлик даражаси ва даволаш самарадорлигининг патогенетик асосланган мезонлари аниқланган бўлиб, улар адгезия

молекулалари, гистамин ва гистаминга қарши фермент – диаминооксидазанинг даражасини ўз ичига олиши кўрсатиб берилган;

қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс даволашнинг янги усулини қўллаш орқали олинган натижалар локал (аралаш сўлак) ва тизимли (қон зардоби) даражада баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қайталанувчи афтоз стоматитни ташҳислашнинг замонавий усулларини клиник амалиётга жорий қилиш Ўзбекистонда бир қатор скринингли тадқиқотларни олиб боришга имкон берган;

аутоиммун яллиғланиш жараёнида турли тизим ва аъзолар (ошқозон ичак тизими, буйрак, қон томир тизими) зарарланишини батафсил баҳолаш имконини берган;

қайталанувчи афтоз стоматитни ўз вақтида ташҳислаш нафақат беморни тўла даволаш ва асоратларни бартараф этиш, шунингдек, анъанавий даволаш усулининг паст самарадорлигини қайта кўриб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллар асосида сурункали қайталанувчи афтоз стоматитда патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқишга ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат: клиник ва стоматологик тадқиқотларни баҳолаш бўйича билимларни сезиларли даражада бойитиш, овқат ҳазм қилиш касалликларининг турли патологиялари натижалари, сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни эрта ташҳислаш, олдини олиш ва даволашнинг патогенетик механизмлари, ИЛ-4 ва ИЛ-10 реакциялари, яллиғланишга қарши цитокинларнинг юқори концентрацияси яллиғланишга қарши медиаторлар патологиясининг ортиши билан тезда пасаяди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қайталанувчи афтоз стоматитни даволашда умумий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган даволаш тизимини ишлаб чиқиш, пробиотик, иммуномодулятор ва дезинтоксикацион моддаларнинг самарали тизимини тадбиқ этиш орқали касалликнинг асоратларини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган даволаш усулини танлаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитда патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс даволашга

пробиотикларни қўшиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 июндаги 8н-р/270-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс даволашга пробиотикларни қўшиш орқали касалликни самарали даволаш имконини берган;

«Сурункали қайталанувчи стоматит бўлган беморларда оғиз бўшлиғи микрофлораси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 июндаги 8н-р/268-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали қайталанувчи стоматитли беморлар оғиз бўшлиғи микрофлорасини баҳолаш орқали сурункали қайталанувчи афтоз стоматит этиопатогенези маълумотларини тақдим этиш имконини берган;

«Сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни ташхислаш, дастлабки даволашни башоратлашга янгича ёндашув» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 июндаги 8н-р/269-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни ташхислашнинг янги усулини ишлаб чиқиш имонини берган;

сурункали қайталанувчи афтозли стоматитда патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан, ва Бухоро ва Хоразм вилоятлари болалар стоматологик поликлиникаси, Қашқадарё стоматологик поликлиникаси Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани стоматологик поликлиникаси, Бухоро вилояти Гиждувон ва Вобкент туманлари стоматологик поликлиникалари клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 ноябрдаги 8н-з/201-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг клиник кечиш даражасини сезиларли пасайтириш ва касалликларга чалинган беморларнинг яшаш сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига

мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Қайталанувчи афтоз стоматит этиопатогенези, клиникаси, ташҳиси ва даволашининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда ҚАСнинг кечиши хусусиятлари, таснифи, ташҳислаш усуллари, даволаш ва олдини олишни ўрганиш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг долзарб, замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Патогенетик жиҳатлари, ўрганилаётган патологиянинг шаклланиш жиҳатлари ва ҳал қилиш йўллари келтирилган. Шунингдек, ушбу патологияни ўрганишдаги ечилмаган муаммолар аниқланган.

Тадқиқотнинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда куйидаги йўналишларда комплекс, кўп режали клиник, иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар акс эттирилган: 1 босқич - ҚАС кузатилган беморларнинг клиник таснифи; 2 босқич - кўзғатувчи омиллар мавжудлиги, анамнезининг ўзига хослиги, соматик патология учраш даражаси ҳамда ҚАС ривожланиши ўртасида боғлиқликни баҳолаш; 3 босқич - ҚАС патогенезида номутаносиб қаршилик, сенсibiliзация, цитокин профили, протеолиз, адгезив молекула миқдори бузилиши механизмларини белгилаш; 4 босқич – ҚАС ни даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва клиник-биокимёвий баҳолаш.

Беморлар 2014-2018 йиллар мобайнида Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилояти стоматология поликлиникасида клиник текширувдан ўтказилган. ҚАСли 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган 212 нафар бемор текширилган, ўртача ёш $34,2 \pm 5,8$ йилни ташкил этган, жумладан 54 нафар эркак (25,50%) ва 158 нафар аёл (74,50%); бир хил жинс ва ёшдаги ОБШҚ патологиясиз 40 нафар шахс қиёслаш гуруҳини ташкил этишган.

Патология кечиш даражасини баҳолашда Комилов Х.П. ва Шукурова У.А. томонидан ишлаб чиқилган оғирлик даражаси бўйича ҚАС таснифига риоя қилинган (Тошкент, 2008). Кариес интенсивлиги КПУ индекси ва унинг таркибидаги элементлар ёрдамида аниқланган: П – пломба; К – кариес; У – олинган тишлар. Оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси ОНІ-S соддалаштирилган гигиена индекси бўйича аниқланган (Green J.C., Vermillion J.R.). Пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёни интенсивлиги ва тарқалганлиги миқдорини аниқлаш учун Parma C. томонидан модификацияланган папилляр-маргинал-альвеоляр (РМА) индексидан фойдаланилган (Shour I., Massler M.).

Леус П.А. (1988) томонидан тақдим этилган комплекс перидонтал индексидан (КПИ) пародонт тўқималари ҳолатини аниқлаш мақсадида фойдаланилган.

ҚАС патогенезида иммунометаболик жараёнларни баҳолаш усуллари: sIgA, IgA, IgG, IgM концентрациясини қаттиқ фазали иммун ферментли таҳлил усули билан иммунноглобулинлар миқдорини аниқлашда реагентлар тўплами ёрдамида аниқланган, протеолиз жараёни ҳолатига

нейтрофил эластаза фаоллиги бўйича баҳо берилган (Доценко В.Л. ва ҳаммуал., 1994). Митохондриянинг ҳазм қилиш қобилияти ҳолати катепсин фаоллиги билан белгиланган (Покровский А.А. ва ҳаммуал 1976.); ўрганилаётган биологик суюқликларнинг умумий протеолитик фаоллиги казеин гидролизи бўйича фотоколориметрик усулда аниқланган (Батаев Ц.Ж., 1970; Вертипрахова В.Г. модификацияси, 2017). Протеаз ингибиторлари фаоллигини аниқлашда а1-протеиназа ингибитори ва а2 макроглобулинни аниқлаш Норитова В.Ф. ва Пасхинова Т.С. усули бўйича (1979) амалга оширилган. ЛПО жараёнлари ҳолати ҳақида БХЛ-10 хемилюминометрида аниқланадиган хемилюминесценция интенсивлиги бўйича муҳокама қилинган; I_{max} ва S ёруғлик йиғиндиси баҳоланган; ЛПО сўнгги маҳсулотлари тўпланиши ҳақида ТБК билан тестда МДА концентрацияси бўйича белгиланган; антиоксидант тизим ҳолати каталаза фаоллиги бўйича баҳоланган (Коронок М.А. ва ҳаммуал., 1988).

Глютатионпероксидаза фаоллиги бўйича тикланган глютатионлар йўқотилишининг ҳажмига кўра сукцинатдегидрогеназа фаоллиги ўрганилган (Старожук П.Г., Старожук А.П., 2004).

Адгезия молекулалари VCAM-I; ICAM-I ва селенин-SP концентрацияси “Bender MedSystems GmbH” (Австрия) реактив тўплами ёрдамида иммунофермент усулда аниқланган.

Неотропиннинг иммунно-метаболик ўзгариши индикатори концентрацияси “Neoptroptin E-Lisa” (IBL Germany) тижорий тўплами ёрдамида аниқланган.

Қонда гистамин миқдорини аниқлаш Климсина Н.В. ва Плитман О.И. бўйича ўтказилган.

Диаминооксидаза фаоллиги Immundiagnostic тест тизими ёрдамида радиофермент таҳлили усули билан аниқланган.

Барча беморларга лидокаин ёки новокаин афт эритмаси билан эрозия-яралари юзага оғриқсизлантирувчи муолажа қилинган, афт юзасидан йирингли-некротик қатламни олиб ташлаш учун протколитик ферментлар аппликация қилинган, оғиз бўшлиғи 1,0%ли водород пероксиди билан чайилган.

Афт юзасига антибактериал таъсирга эга Холисал суртмаси сурилган, эрозия-яралари элементлар эпителизациясини тезлаштириш учун уларнинг юзасига солкосерил дентал адгезив суртма кунига 2-3 мартадан сурилган.

Ўткир яллиғланиш бартараф этилганидан сўнг барча мижозларда оғиз бўшлиғи санацияси, триггер омилларни йўқ қилиш, кариес ва пародонт касаллигини даволаш амалга оширилган.

Соматик патологияни даволаш интернист (терапевт) шифокор билан бирга бажарилган. Барча беморларга гистаминозни келтириб чиқарадиган маҳсулотлардан мустасно парҳез тайинланган, гистаминозни келтириб чиқарадиган дори воситалари бекор қилинган.

Касаллик ривожланиши патогенезини ҳисобга олган ҳолда даволаш ичак биоценозини тиклашга йўналтирилган, витаминотерапия, антиоксидант ва сорбцион терапия, антигистамин ва диаминооксидазани ишлаб чиқаришга кодир дори воситалари билан амалга оширилган (1-жадвалга қаранг).

Қайталанувчи афтоз стоматитнинг турли даражаларида терапия қабул қилиш миқдори ва қайта ўтказиш сони

Даволаш усули, кунлик миқдори	ҚАСли беморлар, даража		
	Енгил	ўртача	оғир
Пробиотик Нарине Форте, 2 ош қошиқдан кунига 2 марта	Йилига 2 марта 4 ҳафтадан	Йилига 4 марта 4 ҳафтадан	6 ой давомида аста секин
Иммуносеф, таблетка 0,5 г кунига 2 марта	2 ҳафта давомида	4 ҳафта давомида	6 ҳафта давомида, йилига 2 марта
Атоксин, 1 пакетча 4,0 г 100 мл сувга овқатдан 1 соат олдин кунига 3 марта	5 кунгача	10 кун	15 кун
Асельфосан, 1 чой қошиқда 200 мл сувга 6 кун 2 маҳалдан	3-5 кун	7-10 кун	15 кун
Эриус, таблетка 5 мг, сироп 0,5 мг/мл кунига 1 марта	5 кун	10 кун	10-15 кун
Фенкарол, таблетка 50 мг кунига 3 марта	-	10 кун	20 кун

Таклиф этилган даволаш усулига кўра беморлар 3 та гуруҳга бўлинган:

1 гуруҳ - қиёслаш гуруҳи, умум қабул қилинган даволашни олган 35 нафар бемор; 2 гуруҳ - асосий гуруҳ, (34 бемор) умум қабул қилинган даволашга қўшимча пробиотикотерапия, иммунитетни тиклаш, антиоксидант ва детоксикацион терапия олишган; 3 гуруҳ - асосий (35 бемор), ушбу гуруҳ беморлари 2 асосий гуруҳ даволанишига қўшимча турли таъсирдаги антигистамин дори воситалари қабул қилишган.

Олинган материалларни статистик ишлашни “Microsoft Office Exel 2015” дастури, шунингдек, “Statistica 6” амалий дастури пакети ёрдамида шахсий компьютерда амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Беморларни ташҳислаш алгоритми ва даволашнинг клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда ҚАСнинг турли даражасидаги беморларнинг клиник тавсифи келтирилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида беморларнинг аксариятида ҚАСнинг енгил кечган ва бу 112 нафар беморни ташкил этган (52,83%); ўртача оғирликдаги беморларнинг улуши бирмунча паст – 82 (38,68%) нафар бемор ва энг кам беморлар ҚАСнинг оғир даражасига эга бўлишган – 18 (8,49%). ОБШҚ патологиясиз қиёсланадиган гендер таркибли 40 нафар бемор таққослаш гуруҳини ташкил этишган.

Касаллик клиник кўринишида қуйидагилар инобатга олинган: умумий интоксикация аломатлари мавжудлиги, организм ҳарорати реакцияси, афтоз элементлар миқдори ва жойлашуви, афтлар ўлчами, оғриқ жадаллиги, шиш ва гиперемия ифодалари, хуружлар тезлиги, умумий аҳвол бузилиши (ланжлик, ҳорғинлик), жойларда лимфаденит, афтоз элементлар эпителизацияси тезлиги. Касалликнинг оғирлик даражаси ошиши билан

барча клиник белгиларнинг ишончли даражада кучайиши юзага келган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Қайталанувчи афтозли стоматитнинг ўсиши динамикадаги клиник ҳолат


Кўрсаткич	ҚАС кечиши		
	енгил	ўртача	оғир
Ўзини ҳис этиш	0,42±0,02	1,42±0,06*	2,11±0,09*√
Ҳарорат		1,25±0,05*	2,45±0,11*√
Лимфаденит	0,22±0,01	0,92±0,04*	1,92±0,07*√
Жараённинг ОБШҚ га тарқалиши (афтлар миқдори)	0,62±0,03	1,24±0,05*	2,65±0,12*√
Шикастланиш элементлар ўлчами	0,30±0,02	1,30±0,06*	2,45±0,11*√
Оғриқлилик	0,44±0,02	1,42±0,05*	2,75±0,13*√
Шикастланиш элементлари четлари	0,35±0,01	1,10±0,04*	2,50±0,12*√
Шикастланиш элементларининг устки қисмини баҳолаш	0,50±0,02	1,30±0,05*	2,80±0,09*√
Касаллик оғирлик индекси (КОИ)	0,42±0,01	1,32±0,08*	2,45±0,11*√

Эслатма: * - $p \leq 0,05$ енгил кечишига нисбатан; √ - $p \leq 0,05$ касаллик ўртача оғирликда кечишига нисбатан.

Барча клиник белгиларнинг намоён бўлиши касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлиб, бунда интоксикация аломатлари ва $37,7^{\circ}\text{C}$ дан юқори ҳарорат кузатилган; хуружлар сони йилига $4,50 \pm 0,20$; эпителизация вақти $8,02 \pm 0,31$ суткага узайган, бунда афтлар кескин оғриқли бўлган - $8,3 \pm 0,4$ балл.

Батафсил клиник текширишлар шуни кўрсатдики, ҚАС клиник кечиши даражасининг ортиши стоматологик патология тарқалганлиги ва даражаси ошиши билан боғлиқ; даража ошиши билан ишончли тарзда ($P \leq 0,05$) тиш кариеслари интенсивлиги ва пародонтнинг яллиғланиш-деструктив зарарланиши ортган. Кариес интенсивлиги, оғиз бўшлиғи гигиенаси пасайиши ва пародонт зарарланиши интенсивлиги ошишининг белгиланган боғлиқлиги оғиз бўшлиғи патологияси ривожланишини аниқлайдиган сабабни белгилаш заруратини кўрсатган (1-расмга қаранг).

Амалий стоматологияда ҚАС давосида ташхисий текширишлар тўлалиги, тизимли ва локал терапия, шунингдек, мутахассисликлараро ўзаро боғлиқлик таҳлили ўтказилган.



1-расм. ҚАС оғирлиги турлича бўлган беморларда оғиз гигиенаси ва яллиғланувчи-деструктив пародонт шикастланишлари кўрсаткичлари.

Чуқурлаштирилган тиббий тадқиқотлар, клиник-анамнестик ва лаборатория текширувлари маълумотларини ўрганиш ҚАС ривожланиш хавфи ва кечиш даражаси омилларини белгилашга имкон берган. ҚАСли беморларда касаллик даражаси кўзгатувчи омиллар мавжудлигига бевосита боғлиқ. Патология даражаси ошишида қаттиқ чарчаш билан касалликнинг зўрайиши боғлиқлигининг прогрессив ортиши кузатилди: ўртача гуруҳ хажми коэффиценти Пирсон $\chi^2=62,249$; $P\leq 0,001$; стресс билан $\chi^2=50,006,249$; $P\leq 0,001$; соматик касалликлар зўрайиши билан $\chi^2=48,821,249$; $P\leq 0,001$; ЎРК билан оғриган $\chi^2=30,501$; $P\leq 0,001$; парҳездаги хатоликлар $\chi^2=27,024$; $P\leq 0,001$; озиқ-овқат маҳсулотларига алергик реакциялар $\chi^2=37,254,249$; $P\leq 0,001$; ташқи кўзгатувчиларга алергик реакция $\chi^2=20,355$; $P\leq 0,001$; оғиз бўшлиғида турли металлар мавжудлиги $\chi^2=16,717$; $P\leq 0,001$; оғиз бўшлиғида шикастлантувчи омиллар билан $\chi^2=16,717$; $P\leq 0,001$.

Бунда 2 ва 3 та омилларнинг кўшилиши ҳам касаллик даражаси ортиши билан ишончли ошган, мос равишда $\chi^2=34,100$; $P\leq 0,001$ ва $\chi^2=20,221$; $P\leq 0,001$. Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар асосида биз ҚАС ривожланишининг маҳаллий етакчи триггер механизмлари соматик патология ва алергик касалликлар ҳисобланади. Ушбу омилларни аниқлаш касаллик даражасини баҳолаш ва уни прогнозлаш учун муҳимдир.

Қайталанувчи афтозли стоматитнинг ривожланишининг кўп омилли табиати, касалликнинг маҳаллий белгиларининг оғирлик даражаси ва организмнинг муҳим гомеостатистик тизимлари кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлигининг мавжуд эмаслиги янги ташҳислаш мезонлари ва даволаш усулларини жорий этиш имкониятини чеклайди. Бунда кўплаб адабиёт манбалари ҚАСнинг турли шаклдаги генезининг соматик патология билан патогенетик боғлиқлигини исботлайди. Шунга кўра, изланишда соматик патология тузилиши касаллик кечиши даражаси билан боғлиқлигини батафсил таҳлил қилдик. Комплекс тадқиқотлар натижасида ҚАС даражаси ОИТ касалликлари мавжудлиги билан ($\chi^2=72,482$; $P\leq 0,001$); нафас йўли органи касалликлари билан ($\chi^2=80,133$; $P\leq 0,001$); уrogenитал соҳа

касалликлари билан ($\chi^2=89,352$; $P\leq 0,001$); асаб тизими касалликлари билан ($\chi^2=45,715$; $P\leq 0,001$); аллергологик патология билан ($\chi^2=39,473$; $P\leq 0,001$) боғлиқлиги аниқланган.

ҚАС билан боғлиқ патологияларни ўрганиш унинг касаллик кечиши даражасига таъсири ҳақида хулоса қилиш имконини берган.

Диссертациянинг «**Турли оғирлик даражасидаги қайталанувчи афтоз стоматит билан касалланган беморларда иммун-метабологик ва сохта аллергик ўзгаришлар боғлиқлиги**» деб номланган тўртинчи бобида иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Шубҳасиз, ҚАС патогенезини ўрганишда ПОЛ ҳолати ва организмнинг антирадикал ҳимояси фаоллигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижалари таҳлили ҚАС билан оғирган беморларда маҳаллий ва тизимли даражаларда ОБШҚда патология даражаси ошиши билан ортадиган липопероксикация жараёнларининг оғир даражаси қайд этилади, бу эса оғиз суюқлиги ва қон зардоби хемилюминесценциясининг ёруғлик микдори (S) прогрессив ортиши, эркин-радикал оксидланишнинг максимал интенсивлиги ошиши (I тах) ва липопероксикациянинг сўнгги маҳсулоти - МДА концентрацияси ошиши билан қайд этилган. Қоннинг фибринолитик фаоллиги ишлаб чиқарилиши ва ишлаб чиқарилишининг ортиши антиоксидант тизимлар деб аталадиган антиоксидант ферментлар билан тартибга солинади. Бунда ҚАС даражаси ўсиш динамикасида АОТ ферментлари фаоллиги ҳолатининг таҳлили уларнинг бир хил йўналишда эмаслигини кўрсатган. Патологиянинг енгил кечишида АОТ ферментларининг айнан гипермаҳсулоти касалликнинг нисбатан енгил кечишини таъминлаган.

Сўнгги йилларда тадқиқотчилар ҚАС ривожланишининг локал механизмлари ҳолатига кўпроқ эътибор қаратишмоқда, бунда иммунометаболитик ўзгаришлар, ЛПО-АОТ жараёнлар ҳолати, цитокин профили ва ҳоказолар баҳоланади. Шу билан бирга, ҚАСнинг кўплаб организмнинг патологик жараёнлари билан боғлиқлиги патология ривожланишининг триггер омиллари ва прогрессияси каби локал ва тизимли ўзгаришларни қиёсий баҳолаш заруратини кўрсатади.

ҚАС шубҳасиз иммун компонентли касалликлар сирасига киради, бунда иммунологик бузилишлар муҳим аҳамият касб этади. Цитокинлар хужайралар орасида ўзаро муносабатларни тартибга солувчи иммун реакцияси шаклланишида бевосита иштирок этади, бунда меъёрда маҳаллий ва локал даражада яллиғланиш, яллиғланишга қарши медиатор ишлаб чиқиш орасида баланс қайд этилади.

Таҳлил натижасида, ҚАС клиник кечиши даражаси ошиши маҳаллий ва тизимли даражада иммун реакцияси ФНО- α , ИЛ-1 β ва ИЛ-8В яллиғланиш цитокинлари концентрациялари прогрессив ортиши билан яллиғланиш ва яллиғланишга қарши маркёрлар баланси бузилишига олиб келиши аниқланган. Бунда ҚАС енгил кечган беморларда яллиғланишга қарши маркёрлар гипермаҳсулотига жавобан ИЛ-4 ва ИЛ-10 яллиғланишга қарши цитокинлар концентрацияси ортиши яллиғланишга қарши медиаторлар

концентрацияси патологияси ошиши билан тезда пасайиши кузатилган. Шубҳасиз, гипермаҳсулотли яллиғланиш маркёрлари цитокини дисбаланси ҚАС даражаси ортишидаги муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади.

ҚАС ривожланишида тизимли ва локал иммун реакциясини баҳолашда аралаш сўлак ва қон зардоби иммуноглобулинни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Иммуноглобулинларнинг биологик суюқликларда миқдор жиҳатдан учраш таҳлили, ўзгаришларнинг локал ва тизимли даражада синхронлилигини, кўпроқ аралаш сўлакда акс этиши аниқланган. Сезиларли ўзгаришлар sIgA концентрациясини баҳолашда аниқланган, ўзгаришлар даражаси аралаш сўлакда локал ҳолатда касаллик даражаси ошиши билан сезиларли пасайиб, бу эса патологиянинг локал клиник белгилари ва гликопротеин маҳсулотларининг пасайишини кўрсатган, чунки, sIgA ҳимоя, антибактериал таъсири гликопротеинли ОБШҚ комплексида пайдо бўлган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ҚАС клиник кечиши даражасида эпителийнинг адгезив барқарорлиги пасайишига олиб келадиган ва микроорганизмлар адгезиясига ҳамда чуқур катламда пенетрацияга шароит яратадиган sIgA концентрациясининг локал пасайишини аниқлаш муҳим омил ҳисобланади.

ҚАСнинг оғирлик даражаси ортиши, шунингдек, иммун жавоб ва антиинфекция ҳимоясини таъминлайдиган, локал даражада (аралаш сўлак) яққол намоён бўлган IgA, IgM ва IgG концентрациялари пасайиши билан ҳам кузатилган.

Ҳозирги вақтда организмнинг турли патологик жараёнларига протеазанинг муҳим роли ҳақидаги фикрлар ўз тасдиғини топди. Оксиллар модификацияси ва уларнинг емирилиши протеолитик ферментлар иштирокида амалга оширилади. Протеиназалар яллиғланиш даражасини ва муҳим физиологик жараёнлар бошланишини тартибга солади. Бироқ, протеазанинг ҚАС ривожланишидаги роли ҳақида маълумотлар йўқ. Шу билан бирга локал ҳодисалар табиати ва ҚАСнинг кўплаб патологик жараёнлар билан кузатилиши протеолитик жараёнларнинг ҚАС патогенезида иштирокини тахмин қилиш имконини беради.

Тадқиқотлар протеолитик жараёнларнинг касаллик ривожланишида, хусусан, кўпроқ локал даражадаги иштирокини кўрсатган. Нейтрофиллар эластазаси ферментлари фаоллиги бўйича хужайрадан ташқари протеолиз фаоллиги таҳлили протеолизнинг локал ва тизимли даражада фаоллигини аниқлайди. Ферментнинг сўлакда юқори фаоллиги касаллик зўрайган даврида ОБШПда фаол эрозия-яралли жараёнларни акс эттирган. Яраларни энзиматик тозалашда макрофаглар (моноцитлар) катта аҳамиятга эга, у хужайралараро ферментлар, асосан митохондрия ферменти катепсин орқали амалга оширилади. Катепсин фаоллиги фагоцитоз ва некролитик жараёнларни тартибга солади. Катепсин фаоллиги ошиши касаллик даражаси билан синхрон мос келган. Бунда ҚАС даражаси ортиши билан умумий протеологик фаолликнинг муттасил ортиши қайд этилган, бу эса оксиллар емирилиши ва тизимли ҳамда локал яллиғланиш ошишининг чуқурлашишини кўрсатган.

Тўқималар протеолизи протеолиз ингибиторлари назорати остида бўлади. Касаллик энгил кечаётган беморларда $\alpha 1$ -ПТ ва $\alpha 2$ -МГ протеолиз ингибиторлари фаоллиги ошиши қайд этилган, бу антипротеаз тизимлар зўриқиши ва фаоллиги сақланиб қолишидан далолат беради ҳамда клиник жиҳатдан касалликнинг янада “енгил” кечиши билан намоён бўлади. Оғирлик кучайиши протеолиз-антипротеолизнинг протеолиз фаоллашуви билан дисбаланс ҳолати кучайиши ва антипротеол тизимлар фаоллиги пасайиб бориши билан давом этган.

Хужайралараро алоқаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этувчи адгезия молекулалари маҳаллий ва тизимли яллиғланишнинг муҳим маркёрлари ҳисобланади. Адгезия молекулалари миқдори яллиғланиш реакцияси даражасини, адгезия ва нейтрофиллар экстравазациясини, шунингдек эндотелийнинг шикастланишга жавобан реакцияси, қон тўқималари, эндотелийнинг ўзаро фаолиятини акс эттиради. Шу тариқа, адгезия молекулалари экспрессияси яллиғланиш реакцияси ривожланишида муҳим бўлак ҳисобланади, чунки фаоллаштирилган лейкоцитлар адгезияси адгезия молекулалари даражасига боғлиқ бўлади. Тадқиқотлар натижасида касаллик оғирлиги билан прогрессив ўсувчи организмнинг иккала биологик суюқликларидаги адгезия молекулалари концентрацияси ошиши аниқланган, бу уларнинг ҚАС ривожланишидаги патогенетик ролдан далолат беради. Оғиз суюқлигидаги VCAM, VCAM-1 ва sP селектинлари ошган концентрациялари қон зардобидаги маҳаллий яллиғланиш даражасини акс этади. Замонавий тушунчаларга кўра, ҚАС иммунитетнинг турли бўғинлари реакцияси билан юзага келган иммун воситали касаллик сифатида кўрилади. Шу билан клиник кечиш оғирлиги ва қайталанишларнинг кўплиги хужайравий иммунитет реакциялари билан боғлиқлиги ифодаланган. Неотрептин хужайравий иммунитет моноцитар компоненти фаоллиги маркёри ҳисобланади. Уни аниқлаш хужайравий реакция ҳолатини баҳолаш имконини беради. ҚАСга учраган беморларда патология оғирлиги билан синхронлашган неотрептин фаоллиги ошиши кузатилади.

Клиник нуқтаи назардан ҚАС патогенезида оғиз бўшлиғининг ҳимоя хусусиятларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга, чунки шикастланишнинг муҳим патологик элементлари айнан унда қайд этилади. Шиллиқ пардалар ва ОБШҚ эпителий пластинкаси бутунлигини сақлаб туришда муциннинг (гликопротеинлар) роли муҳим аҳамият касб этади, гликопротеинлар таркиби бузилиши ОБШҚ эпителийларининг ҳимоя хусусиятлари пасайишига олиб келиб, уларнинг осон шикастланишига ва адгезияга йўл очиб беради. Умумий гликопротеинлар концентрацияси ва уларнинг моносахаридлардаги углеводлар таркиби динамикаси шуни кўрсатдики, ҚАСнинг оғирлик даражаси ошиши умумий гликопротеинлар, улар таркибий қисмлари (фукоза, гексозаминлар, сиал кислотаси) концентрациясининг пасайиши оқибатида келиб чиққан.

ОБШҚнинг эрозив-яралли шикастланишлари тананинг турли аъзолари ва тизимлари патологияси мавжудлиги билан боғлиқ. ОБШҚ шикастланишлари ва сурункали доимий яллиғланиш белгилари мавжудлиги бир бирини

тўлдирувчи ва кучайтирувчи “аянчли доира”га бирлиштирилган, бу бир томондан коморбид касалликларнинг ва иккинчи томондан ОБШҚ патологиясининг ривожланишига ва прогрессиясига олиб келади.

Бунда гомеостатик тизимларнинг маҳаллий ва тизимли даражадаги жавоби ҳамда турли жараёнларнинг касалликнинг оғирлик даражасини белгилаши ҚАСни патогенетик даволашда турли ёндашувларни ишлаб чиқишни белгилаб берган.

Гистамин аллергия жараёнларни тартибга солишда муҳим ҳисобланади, шунга кўра яллиғланиш жараёни етакчи бўлган ҚАС патогенезида унинг ролини баҳолаш долзарбдир. Ҳозирги вақтда гистаминнинг организм сохта аллергия реакциялари ривожланишидаги роли исботланган деб қаралади. Сохта аллергия ривожланишининг асосий сабаблари ошқозон-ичак тракти касалликларида гистаминнинг пасайиши ёки кўпайиши ҳисобланади.

Сохта аллергия реакцияларни баҳолашда ҚАСли беморларда организмнинг барча биологик суюқлигида гистамин концентрацияси назоратдаги микдордан ишончли равишда ошиши кузатилгани аниқланди ($P \leq 0,05$). Бунда диаминооксидазининг қарама-қарши таъсир кўрсатувчи концентрацияси патология енгил кечган миждоғларда назорат кўрсаткичидан ошмаган, ҚАСнинг ўртача ва оғир даражаларида паст бўлган. Гистамин бўлиқ хужайралардан ишлаб чиқарилади, гистаминнинг муҳим биологик самараси капиллярларнинг кенгайиши, хужайралараро оралиқ плазмаси импрегнацияси ҳисобига шиш шаклланиши, яллиғланиш реакцияси ривожланишида иштирок этиши ҳисобланади. Диаминооксидаза ичак эпителийси томонидан ишлаб чиқарилади, гистаминнинг ичакдаги ва плазмали парчаланишини таъминлайди, шу тарзда аллергия реакциялар ривожланишининг олдини олади. Шундай қилиб, касалликнинг ўрта ва оғир босқичларида фаол эрозия-ярали зарарланиш босқичида гистамин концентрацияси ошишида диаминооксидазининг қарши таъсир кўрсатувчи ферментининг прогрессив пасайиши кузатилади, бу эса патогенезда аллергия компонент иштирокини кўрсатади.

Диаминооксидазининг паст концентрацияси ичак патологияси ва ошқозон-ичак тракти патологиясида кузатиладиган дисбиотик ўзгаришлар, жигарнинг ичак метаболизми маҳсулотларидан фойдаланишининг пасайиши билан боғлиқ. Олинган натижалар ошқозон-ичак тракти патологиясининг, сохта аллергия ҳолат ривожланиши ва ҚАС даражаси билан патогенетик алоқасини тасдиқлаган ва патогенетик терапия йўллари аниқлаган.

Гистаминнинг ортиқча ҳосил бўлиши ва ДАО қарши таъсир кўрсатувчи ферментининг босими етакчи маркёр томонидан эркин радикал жараёнлар фаоллашуви ҳисобланган даражадаги яллиғланишининг фаоллаштирилишига олиб келган.

Диссертациянинг **«Қайталанувчи афтоз стоматитни даволашнинг турли усуллари самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида ҚАСни даволашнинг турли усулларидаги биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар динамикаси келтирилган.


3 - асосий гуруҳ беморларининг аралаш сўлагиди sIgA концентрацияси

91,43%га ($P \leq 0,01$); 2 гуруҳда 73,53% ($P \leq 0,01$) ва 1 гуруҳда 52,5%га пасайган ($P \leq 0,01$). IgAнинг динамикаси мос равишда - 40,0% ($P \leq 0,01$); 18,18% ($P \leq 0,01$) ва 10% ни ($P \geq 0,05$) ташкил этган; IgM эса мос равишда 45,83% ($P \leq 0,01$); 20,0% ($P \leq 0,05$) ва 11,11% ни ($P \geq 0,05$) ташкил этган. Бунда даволашдан сўнг IgG миқдорининг сезиларли пасайиши қуйидагича: 3-гуруҳда 50% ($P \leq 0,05$), 2-гуруҳда 40,0% ва 1-таққослаш гуруҳида 30,0% ни ($P \leq 0,05$) ташкил этган, бу эса сенсibiliзация ҳолатининг сезиларли пасайганини акс эттирган.

Иммуноглобулин миқдорининг қон зардобида ҳам мос равишда нормаллашуви аниқланган. Шундай қилиб, sIgA концентрацияси 3-асосий гуруҳ беморларида 55,56%га ($P \leq 0,01$); 2-гуруҳ беморларида 50,0% га ($P \leq 0,05$), 1-таққослаш гуруҳида эса 22,22% га ошган ($P \leq 0,05$). IgA динамикаси мос равишда 49,73% ($P \leq 0,01$); 30,98% ($P \leq 0,01$) ва 18,28% ни ташкил этган, IgM эса мос равишда 22,35% ($P \leq 0,05$); 13,0% ($P \geq 0,05$) ва 5,62% ни ($P \geq 0,05$) ташкил этган. sIgA, IgM концентрациялари ошиши фонида, IgA, IgG миқдори камайиши аниқланган, бу энг кўп 3-гуруҳда 22,56% га ($P \leq 0,05$); 2-гуруҳда 18,73% ($P \leq 0,05$) ва 1-гуруҳда 18,8% ($P \leq 0,05$) ҳолатда кузатилган.

sIgA концентрацияси тикланиши самарадорлиги 3-асосий гуруҳ аралаш сўлагида таққослаш гуруҳи беморлари натижаларидан 27,05% га кўп, 2-асосий гуруҳдан 16,69% га кўп ошган; IgA мос равишда 75,0% ва 18,18%; IgG 25,0% ва 14,29%, IgM эса мос равишда 9,8% ва 39,63% га кўп ошган.

Ўрганилаётган аралаш сўлакдаги иммуноглобулинларнинг энг оғир динамикаси касаллик кучайиши даврида яллиғланиш ўчоғининг янада фаоллашганини, қон зардобида эса – касалликка тизимли жараёнларни жалб қилинганлигини кўрсатади (2-расмга қаранг).



2- расм. Турли хил даволаш усуллари қўллашда таққосланган гуруҳлардаги иммуноглобулинлар концентрацияси динамикаси, г/л

Барча таққослаш гуруҳидаги беморларга даволаш ЛПО-АОТ жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган: ПОЛ маҳсулотлари концентрацияси пасайган ва АОТ ферментлари фаоллиги ошган.

Даволаш натижаларининг таққосий таҳлили максимал ижобий натижа 3-асосий гуруҳда, минимал натижа 1-таққослаш гуруҳида белгиланганлиги аниқланган.

Таъкидлаш лозимки, амалга оширилган даволаш ПОЛ жараёни кўрсаткичларига ва тизимли даражага ижобий таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, S катталиги 3-гуруҳ беморларида даволашдан сўнг 46,56%га ($P \leq 0,01$); 2-гуруҳда 29,77%га ($P \leq 0,01$) ва 1-таққослаш гуруҳида 17,57%га пасайган; I тах ва МДА нинг мос равишда пасайиши 44,67% ($P \leq 0,05$); 28,56% ($P \leq 0,05$) ва 19,88% ни ташкил этган ($P \leq 0,05$), шунингдек, 32,67% ($P \leq 0,01$); 20,32% ($P \leq 0,05$) ва 11,04% ($P \leq 0,05$) ташкил этган.

ПОЛ маҳсулотлари концентрациясининг синхрон пасайиши АОТ ферментлари фаоллигининг ошиши билан кузатилган.

Шундай қилиб, аралаш сўлакда каталаза 3-гуруҳ беморларида 73,08%га ($P \leq 0,01$); 2-гуруҳда 39,75%га ва 1-гуруҳда 25,23%га ошган ($P \leq 0,05$); ГП ва СудГнинг динамикаси мос равишда 79,45% ($P \leq 0,01$); 49,05% ($P \leq 0,01$) ва 35,13% ни ($P \leq 0,01$); 119,67% ($P \leq 0,01$), 70,84% ($P \leq 0,01$) ва 38,50% ($P \leq 0,01$) ни ташкил этган.

